

## Энг яхши тафсир ўқитувчиси ҳаж йўлланмаси билан тақдирланди



17:29 / 22.05.2024 1411

2024 йил 22 май куни Тошкент ислом институтида Диний идора тасарруфидаги олий ва ўрта махсус диний таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари ўртасида «Йилнинг энг яхши тафсир фани ўқитувчиси» танлови ўтказилди.

Танлов якунига кўра қуйидаги натижалар қайд этилди:

**1-ўрин** Тошкент ислом институти ўқитувчиси **Элёржон Аҳмадқулов**, 1-даражали диплом, «Ҳаж» сафарига йўлланма ва смарт телевизор;

**2-ўрин** Хадичаи Кубро мадрасаси ўқитувчиси **Гулруҳ Кенжабек қизи**, 2-даражали диплом, «Умра» сафарига йўлланма ва смарт телевизор;

**3-ўрин** Кўкалдош мадрасаси ўқитувчиси **Охунжон Аҳмедов**, 3-даражали диплом ва замонавий музлатгич билан мукофотланди.

Қолган 10 нафар иштирокчига замонавий смарт телевизор топширилди.